АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳридаги ““МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали ва Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида 2024 йилнинг 26-27 сентябрь кунлари **“Замонавий яримўтказгичлар физикаси ривожланишининг тенденциялари: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар”** мавзусида III Халқаро илмий конференция ўтказилиши режалаштирилган.

Анжуманнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси физик-олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сифат даражасини ошириш ва амалиётга тадбиқ этилишига кўмаклашиш ҳамда мамлакатимиз олимлари ва хорижлик олимлар ўртасида илмий алоқалар ўрнатишни таъминлаш.

Шу муносабат билан 2024 йилнинг 10 сентябргача маърузалар тезисини электрон кўринишда ўзбек, рус ёки инглиз тилида конференциянинг расмий сайтига (https://journal.ispm.uz/conference/Anketa.html) юборишингизни сўраймиз.

Конференцияга қўйидаги йўналишлар бўйича тезислар қабул қилинади:

1 – шўъба: Яримўтказгичлар физикасининг назарий ва экспериментал муаммолари.

2 – шўъба: Яримўтказгичли опто-, микро- ва наноэлектроника материаллари, технологиялари ва компонентлари.

3 – шўъба: Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг юқори самарали технологияларини яратиш ва ривожлантириш.

4 – шўъба: Анъанавий энергетиканинг ривожланиш истиқболлари.

5 – шўъба: Физиканинг долзарб муаммолари ёш олимлар нигоҳида.

Тақдим этиладиган маърузалар тезисларини расмийлаштиришга қуйилган талаблар иловада келтирилган.

Маърузалар тезиси БЕПУЛ чоп этилади. Маруза билан иштирок этган конференция қатнашчиларига электрон сертификат берилади. Конференция материаллари тўпламини конференция якунлангандан сўнг Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг (www.ispm.uz) расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Конференция натижаларига кўра энг яхши маруза материаллари “Физика полупроводников и микроэлектроника” илмий журналида унинг талабларига мос равишда мақола кўринишида чоп этилади.

Конференция **2024 йилнинг 26 сентябрь куни соат 10:00** да бошланади. Конференциянинг онлайн-формати “Zoom” платформаси орқали амалга оширилади. «Zoom» ҳаволаси иштирокчиларнинг рўйхатдан ўтиш вақтида кўрсатган электрон почтасига юборилади.

Конференция ҳақидаги тўлиқ маълумотларни http://www.ispm.uz сайтидан олиш мумкин.

КОНФЕРЕНЦИЯ МУРОЖААТ МАНЗИЛЛАРИ:
Манзил: 100057, Ўзбекистан, Тошкент, Янги Олмазар кўчаси, 20-уй.
Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника ИТИ
Маълумотлар учун телефон: (+998) 91 1341901 (Н.А.Тургунов), (+998) 97 2550805 (Қ.М.Файзуллаев).

ИЛОВА

КОНФЕРЕНЦИЯ ТЕЗИСЛАРИ УЧУН ТАЛАБЛАР

Тезислар матни Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида, 1,15 интервал оралиғида ёзилиши керак. Тезислар ҳажми 3 бетгача, А4 (210 ×297 мм) форматда, ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак:

юқоридан – 20 мм; чапдан – 30 мм;
пастдан – 20 мм; ўнгдан – 15 мм.

Тезиснинг номи бош харфлар билан қорайтириб ёзилади. Сўнгра бир интервал қолдирилиб, муаллифларнинг исми-шарифи келтирилади (Ф.И.О маърузачи).

Кейинги қатордан муаллифларнинг ҳар бири учун ташкилот, шаҳар ва мамлакатни номи ёзилади.

Тезиснинг номи, муаллифларнинг исми-шарифи ва ташкилоти ҳақидаги маълумотлар бош ҳарфларда марказга жойлаштирилади.

Сўнгра бир интервал қолдирилиб, тезис матни ёзилади. Тезис матни параграфнинг биринчи қаторида 1 см (отступ) қолдириб ёзилади.

Асосий матндан сўнг бир интервал ташлаб қуйидаги намунага мувофиқ адабиётлар рўйхати ёзилади:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

(мақола учун)
[1] И.Ш. Фамилияси. *Мақола номи. Журнал номи. (йил), рақам (ёки Том (рақам)),1-10-б.*

(китоб учун)
[2] И.Ш. Фамилияси. *Китобнинг номи. (Шахар, Нашриёт, йил)*